



## O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SUV XO‘JALIGI VAZIRLIGI HAY’AT QARORI

2023-yil 20-fevral

№ 2/1

### **O‘zbekiston Respublikasi Suv xo‘jaligi vazirligining 2023-yilning I yarim yilligi uchun mo‘ljallangan ish rejasini tasdiqlash to‘g‘risida**

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2023-yil 14-fevraldagi 11/18-sonli Rayosat majlisi bayoni topshiriqlarining ijrosini ta‘minlash, O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti va Hukumati hujjatlari bilan shuningdek, Davlat rahbarining 2022-yil 20-dekabrda Oliy Majlis va O‘zbekiston xalqiga Murojaatnomasida vazirlikka yuklatilgan vazifalar ijrosini tizimli ravishda tashkil etish hamda 2023-yilning I yarim yilligida bajarilishi lozim bo‘lgan prognoz (*indikator*) ko‘rsatkichlari ijrosini belgilangan muddatlarda, sifatli va to‘laqonli ta‘minlash yuzasidan vazirlik markaziy apparati, Qoraqalpog‘iston Respublikasi Suv xo‘jaligi vazirligi, viloyatlar irrigatsiya tizimlari havza boshqarmalari, vazirlik tasarrufidagi respublika va tizim tashkilotlari rahbarlarining shaxsiy mas‘uliyati va javobgarligini kuchaytirish maqsadida hay‘at yig‘ilishi

#### **Qaror qiladi:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi Rayosatining 2023-yil 14-fevraldagi 11/18-sonli majlis bayoni topshiriqlari ***rahbarlik va ijro uchun qabul qilinsin.***

2. O‘zbekiston Respublikasi Suv xo‘jaligi vazirligining 2023-yilning I yarim yilligi uchun mo‘ljallangan ish rejasini ***ilovaga muvofiq tasdiqlansin.***

3. Vazirning birinchi o‘rinbosari A.Nazarov, vazir o‘rinbosarlari R.Qarshiyev, B.Kamalov, D.Xodjiaxmedov hamda vazirlik markaziy apparatining boshqarma va mustaqil bo‘lim boshliqlariga:

***ikki kun muddat ichida*** mazkur qarorning mazmun-mohiyatini yetkazish, 2023-yilning I yarim yilligiga belgilangan prognoz (*indikator*) ko‘rsatkichlari ijrosini belgilangan muddatlarda, sifatli va to‘laqonli ta‘minlanmagan taqdirda intizomiy jazo chorasi muqarrarligi, ya‘ni O‘zbekiston Respublikasi Suv xo‘jaligi vazirligi huzuridagi Suv xo‘jaligini rivojlantirish jamg‘armasi mablag‘lari hisobidan ajratiladigan mukofot va rag‘batlantirish mablag‘laridan chegirib qolinishi haqida rasman ogohlantirish orqali barcha darajadagi rahbar va xodimlarning shaxsiy mas‘uliyati va javobgarligini kuchaytirish;

***har oy yakuni bilan*** O‘zbekiston Respublikasi Suv xo‘jaligi vazirligining 2023-yilning I yarim yilligi uchun mo‘ljallangan ish rejasiga kiritilgan topshiriqlar va tadbirlarning ijrosini vazirlik markaziy apparati yig‘ilishlarida tanqidiy ruhda muhokama qilish;

***har oyning 3-sanasiga qadar*** mazkur ish rejaning II bobiga kiritilgan va tayyorlanishi lozim bo‘lgan normativ-huquqiy hujjatlarni belgilangan muddatlarda va sifatli qilib tayyorlash va taqdim qilish yuzasidan Nazorat rejaları ishlab chiqish;

ushbu ish rejaning II bobiga kiritilgan va tayyorlanishi lozim bo'lgan normativ-huquqiy hujjatlarni Vazirlar Mahkamasining 2019-yil 22-martdagi "*O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining Reglamentini tasdiqlash to'g'risida*"gi 242-sonli qarori bilan 1-ilovaga muvofiq tasdiqlangan ***O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining Reglamenti*** talablari asosida belgilangan muddatlarda, sifatli qilib tayyorlash va taqdim qilish;

O'zbekiston Respublikasi Suv xo'jaligi vazirligining 2023-yilning I yarim yilligi uchun mo'ljallangan ish rejasiga kiritilgan yarim yillik va uzoq istiqbolga mo'ljallangan ustuvor vazifalar, o'rganiladigan va muhokama qilinadigan masalalar hamda amalga oshiriladigan tadbirlarning belgilangan muddatlarda, sifatli va to'laqonli bajarilishini tashkil va ta'min etish, ijrosi haqidagi axborot va ma'lumotlarni ***har oy yakuni bilan*** shaxsan vazir nomiga yozib, umumlashtirish uchun Tashkiliy-nazorat va tahlil boshqarmasi (M.Ibragimov)ga taqdim etish vazifalari topshirilsin.

***Belgilab qo'yilsinki***, O'zbekiston Respublikasi Suv xo'jaligi vazirligi markaziy apparati boshqarma va mustaqil bo'lim boshliqlari 2023-yilning I yarim yilligi uchun mo'ljallangan ish rejasiga kiritilgan masalalarni vazirlikda belgilangan Reglament asosida hamda belgilangan muddatda, to'laqonli va sifatli ta'minlashlari uchun shaxsan mas'ul hisoblanadilar.

4. Qoraqalpog'iston Respublikasi Suv xo'jaligi vaziri, viloyatlar irrigatsiya tizimlari havza boshqarmalari boshliqlari, vazirlik tasarrufidagi respublika va tizim tashkilotlari rahbarlari O'zbekiston Respublikasi Suv xo'jaligi vazirligining 2023-yilning I yarim yilligi uchun mo'ljallangan ish rejasiga asosida o'zlarining Nizomlarida belgilangan, shuningdek, har bir xodimning xizmat vazifalari taqsimotidan kelib chiqib, ish rejalarini ***5 kun muddat ichida*** qaytadan ishlab chiqsinlar, tasdiqlasinlar va ***har oy yakuni bilan*** uning ijrosi haqidagi axborotlarni vazirlikka yozma ravishda taqdim etsinlar.

5. Tashkiliy-nazorat va tahlil boshqarmasi boshlig'i M.Ibragimovga vazir yordamchisi-Kotibiyat mudiri A.Mangliyev bilan birgalikda:

vazirlik markaziy apparatining boshqarma va mustaqil bo'limlari, shuningdek, Qoraqalpog'iston Respublikasi Suv xo'jaligi vazirligi, viloyatlar irrigatsiya tizimlari havza boshqarmalari, vazirlik tasarrufidagi respublika va tizim tashkilotlarining 2023-yilning I yarim yilligi uchun mo'ljallangan ish rejalarini tartibga solish bo'yicha kompleks tashkiliy chora-tadbirlarni amalga oshirish;

O'zbekiston Respublikasi Suv xo'jaligi vazirligining 2023-yilning I yarim yilligi uchun mo'ljallangan ish rejasiga kiritilgan barcha masalalarni O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 31-maydagi "*Ijro.gov.uz*" ijro intizomi idoralararo yagona elektron tizimi samarali faoliyat ko'rsatishini ta'minlashga qaratilgan *qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida*"gi PQ-5132-sonli qarorining 1-ilovasi bilan tasdiqlangan Davlat organlari va tashkilotlari hamda xo'jalik birlashmalari tomonidan "*Ijro.gov.uz*" ijro intizomi idoralararo yagona elektron tizimida Qonunlar, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmon, qaror, farmoyish va topshiriqlari ijrosi bo'yicha nazorat va hisobdorlikni tashkil etish Tartibiga muvofiq qat'iy nazoratga olish;

vazirlik markaziy apparatining boshqarma va mustaqil bo'limlarining, shuningdek, vazirlik tasarrufidagi respublika va tizim tashkilotlarining ish rejalarini ijrosi ustidan tizimli nazorat o'rnatish va ijrosini har oyda tanqidiy ruhda tahlil qilib borish hamda ***har oy yakuni bilan*** Vazirlar Mahkamasiga va boshqa davlat organlariga (*so'ralgan vaqt va muddatlarda*) axborot va ma'lumotlarni taqdim etish;

ish rejasiga kiritilgan topshiriqlar va tadbirlarning ijrosini belgilangan muddatda, to'laqonli va sifatli ta'minlamagan va o'rnatilgan tartibda axborot taqdim qilmagan, shuningdek, ijrosi kechikishiga yo'l qo'ygan rahbar-xodimlarga nisbatan tegishli intizomiy jazo choralari qo'llash yuzasidan taklif (*vazirlik buyruq loyihasini*) kiritib borish vazifalari topshirilsin.

6. O'zbekiston Respublikasi Suv xo'jaligi vazirligining hay'ati kotibi M.Ibragimov O'zbekiston Respublikasi Suv xo'jaligi vazirligining 2023-yil I yarim yilligi uchun mo'ljallangan ish rejasining ijrosi haqida **har chorak yakuni bilan** hay'at yig'ilishlarida axborot berib borsin.

7. Mazkur qarorning ijrosini nazorat qilish ijro intizomi masalalari uchun mas'ul bo'lgan vazirning birinchi o'rinbosari A.Nazarov zimmasiga yuklansin.

**Hay'at raisi**



**Sh.Xamrayev**

**Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг  
2023 йилнинг I ярим йиллиги учун мўлжалланган  
И Ш Р Е Ж А С И**

Т/р	<b>Устувор вазифалар, ўрганиладиган ва муҳокама қилинадиган масалалар ҳамда амалга ошириладиган тадбирлар</b>	<b>Муддати</b>	<b>Масъуллар</b>
<b>I боб. 2023 йилнинг I ярим йиллигида соҳада иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифаларини амалга ошириш</b>			
1	Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида вазирликка юклатилган вазифалар ижросини тизимли равишда ташкил ва таъмин этиш.	I ярим йиллик давомида	А.Назаров, Р.Қаршиев, Д.Ходжихмедов, Б.Камалов, вазирлик марказий аппаратининг тегишли бошқарма бошлиқлари, М.Ибрагимов (у)
2	Сувнинг ҳисобини очиқ-ошкора юритиш тизими жорий этиш ва келгуси уч йилда 13 мингта сув хўжалиги объектларини рақамлаштириш. Бунда: 10 937 та сув хўжалиги иншоотларида реал вақт режимида сувни назорат қилиш ва унинг ҳисобини юритиш учун “Smart Water” (“Ақлли сув”) тизимини жорий этиш; 2100 та мелиоратив кузатув қудуқларини автоматлаштирилган мониторинг тизимига ўтказиш; 20 та йирик сув хўжалиги объектларининг бошқарув жараёнларини автоматлаштириш.	I ярим йиллик давомида	А.Назаров, Б.Камалов, Ж.Абдуразақов, Қ.Муратов, Х.Разметов (у)
3	16 та йирик насос станциясини давлат-хусусий шерикчилик асосида модернизация қилиш ва муқобил энергияга ўтказилишини таъминлаш. Бунда: насос станцияларини модернизация қилиш ва уларни асосий эҳтиёжини қайта тикланувчи электр энергияси билан таъминлаш учун истиқболли хорижий инвесторлар рўйхатини шакллантириш; хусусий ташаббускорлар билан музокаралар олиб бориш ва лойиҳа концепцияси ҳамда лойиҳа баҳолаш ҳужжатларини биргаликда ўрганиб чиқиш; хусусий ташаббускорлар томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа концепцияси вазирлик томонидан келишилгандан сўнг, келишиш учун ваколатли давлат органига ҳамда белгиланган тартибда лойиҳа концепциясини Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлатиш учун тақдим қилиш;	I ярим йиллик давомида	А.Назаров, Б.Камалов, О.Абдуллаев, Р.Шаропов, А.Тагаев (у)

Т/р	Устувор вазифалар, ўрганиладиган ва муҳокама қилинадиган масалалар ҳамда амалга ошириладиган тадбирлар	Муддати	Масъуллар
	<p>инвестиция лойиҳаларини Ўзбекистон Республикасининг “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Қонуннинг 17-моддасига асосан давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепциясини тасдиқлаш ва ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтида эълон қилиш;</p> <p>давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим лойиҳаси ваколатли давлат органи томонидан тасдиқлаш;</p> <p>хорижий инвесторлар билан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни имзолаш;</p> <p>йирик насос станцияларида қайта тикланувчи энергия манбааларидан генерация жараёнида юзага келадиган истеъмолдан юқори кувватларни “Миллий электр тармоқлари” АЖнинг тармоқлари орқали сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги бошқа насос станцияларига транспортировка қилишни таъминлаш;</p> <p>қайта тикланувчи энергия манбаларидан ишлаб чиқарилган энергия миқдори етишмаган пайтларда сув хўжалигининг йирик насос станцияларни электр энергия билан узлуксиз таъминлаш “Миллий электр тармоқлари” АЖ томонидан амалга ошириш чоралари ва графигини ишлаб чиқиш.</p>		
4	<p>Трансчегаравий дарё ва сойларда сув ресурсларидан фойдаланиш масалалари бўйича халқаро ҳуқуқ ва нормаларга риоя этилишини таъминлаш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга ошириш. Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғиз Республикалари ҳамда Туркменистон ўртасида трансчегаравий сув ресурсларини ҳамда трансчегаравий сув объектларини ҳамкорликда бошқариш ва улардан оқилона фойдаланишни тизимли равишда ташкил ва таъмин этиш.</p>	<p>1 ярим йиллик давомида</p>	<p>А.Назаров, Р.Қаршиев, Д.Ходжихмедов, Ж.Абдуразоқов, Ш.Батиров (у)</p>
5	<p>Сувни иқтисод қилиш, суғориш тармоқларида сув йўқотилишини камайтириш. Бунинг учун ирригация тармоқларининг фойдали иш коэффициентини 0,65 дан 0,66 га ошириш, сув таъминоти даражаси паст бўлган суғориладиган ер майдонлар улушини 10,0 фоиздан 9,0 фоизга камайтириш ҳамда ирригация тизимини модернизация қилиш ва бетон қопламали каналлар улушини 37,0 фоиздан 38,0 фоизга ошириш.</p>	<p>1 ярим йиллик давомида</p>	<p>А.Назаров, Д.Ходжихмедов, Ш.Батиров, М.Қурбонов (у)</p>
6	<p>Суғориш тармоқларини модернизация ва реконструкция қилиш орқали сув ресурсларининг йўқотилишини камайтириш. Мавжуд суғориш тармоқларининг техник ҳолатини хатловдан ўтказиш натижаларига кўра, каналларни бетонлашлаштириш, лоток тармоқларини модернизация ва реконструкция қилиш, шунингдек, ёпиқ қувурли суғориш (пульсар) тизимига ўтказиш бўйича дастур ишлаб чиқиш ҳамда молиялаштириш манбасига аниқлик киритиш.</p>	<p>1 ярим йиллик давомида</p>	<p>А.Назаров, Д.Ходжихмедов, М.Қурбонов, Ш.Батиров (у)</p>
7	<p>Узоқ йиллар давомида ишлатилиб келинаётган ва фойдали иш коэффициенти пасайган 55 дона насос ҳамда 65 дона электродвигателларни алмаштириш чорасини кўриш. Алмаштириладиган насос ва электродвигателларни сотиб олиб, ўрнатилишини таъминлаш. Насос ва</p>	<p>1 ярим йиллик давомида</p>	<p>А.Назаров, О.Абдуллаев (у)</p>

Т/р	Устувор вазифалар, ўрганиладиган ва муҳокама қилинадиган масалалар ҳамда амалга ошириладиган тадбирлар	Муддати	Масъуллар
	электродвигателларни янги энерготехкорларига алмаштирилиши ҳисобига ўртача 100,0 млн. кВт. соат (80,0 млрд. сўм)гача электр энергиясини иқтисод қилиш.		
8	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6024-сонли Фармони билан 1-иловага мувофиқ тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган Концепциясида белгиланган прогноз кўрсаткичлар ва индикаторлар ижросини тизимли равишда ташкил ва таъмин этиш.	I ярим йиллик давомида	А.Назаров, Р.Қаршиев, Д.Ходжихамедов, Б.Камалов, вазирлик марказий аппаратининг тегишли бошқарма бошлиқлари, М.Ибрагимов (у)
9	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2021-2023 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-5005-сонли қарори билан 1-иловага мувофиқ тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2021-2023 йилларга мўлжалланган Стратегиясида белгиланган прогноз кўрсаткичлар ва индикаторлар ижросини тизимли равишда ташкил ва таъмин этиш.	I ярим йиллик давомида	А.Назаров, Р.Қаршиев, Д.Ходжихамедов, Б.Камалов, вазирлик марказий аппаратининг тегишли бошқарма бошлиқлари, М.Ибрагимов (у)
10	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги “Қуйи бўғинда сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш ҳамда сув истеъмолчилари орасидаги муносабатларни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-145-сонли қарори билан вазирликка юклатилган вазифалар ижросини тизимли равишда ташкил ва таъмин этиш.	I ярим йиллик давомида	А.Назаров, Р.Рахимов, А.Тагаев, Ж.Абдураззоқов (у)
11	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2023-2025 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-459-сон қарорининг 3-иловасига асосан амалга ошириладиган лойиҳалар доирасида белгиланган ўзлаштириш кўрсаткичларининг бажарилишини таъминлаш.	I ярим йиллик давомида	А.Назаров, Б.Камалов, Ш.Ражаметов (у)
12	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил - январдаги “Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ- -сонли қарори билан тасдиқланган 2023 йилда сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш бўйича прогноз кўрсаткичлар ижросини белгиланган	I ярим йиллик давомида	Р.Қаршиев, Б.Холмуроджонов, Н.Худойбердиев (у)

Т/р	Устувор вазифалар, ўрганиладиган ва муҳокама қилинадиган масалалар ҳамда амалга ошириладиган тадбирлар	Муддати	Масъуллар
	муддатларда, сифатли ва тўлақонли таъминлаш.		
13	Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг жойларда амалга ошириладиган ислохотларнинг бориши билан яқиндан танишиш ва халқ билан бевосита мулоқот қилиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларга ташрифи давомида берилган тегишлилиги бўйича топшириқларнинг ижросини белгиланган муддатларда, сифатли ва тўлақонли таъминлаш.	I ярим йиллик давомида	А.Назаров, Р.Қаршиев, Д.Ходжихмедов, Б.Камалов, вазирлик марказий аппаратининг тегишли бошқарма бошлиқлари, М.Ибрагимов (у)
14	Ўзбекистон Республикасининг “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги ва “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунлари ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида вазирлик тизимидаги бюджет ташкилотларида молия-хўжалик фаолиятидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини тизимли равишда амалга ошириш.	I ярим йиллик давомида	А.Назаров, Р.Қаршиев, Д.Ходжихмедов, Б.Камалов, О.Ҳайитов (у)
15	Ривожланган илғор давлатларнинг тажрибаларини ўрганиб чиқиб, сув хўжалиги соҳасига янги инновацион технологияларни жорий қилиш ҳамда кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, сув хўжалиги ташкилотларининг таълим ва илмий муассасалар билан ўзаро интеграциясини кучайтириш, илм-фан ютуқларини амалиётга татбиқ қилиш	I ярим йиллик давомида	Р.Қаршиев, А.Уразкелдиев, Х.Лапасов (у)
16	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5132-сонли қарорининг ижросини тизимли равишда ташкил ва таъмин этиш.	I ярим йиллик давомида	А.Назаров, Р.Қаршиев, Д.Ходжихмедов, Б.Камалов, М.Ибрагимов (у)
17	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг “Виртуал қабулхонасига”, шунингдек, вазирликка аҳоли ва юридик шахслардан келиб тушаётган муаммоли масалаларни Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ кўриб чиқилишини ва амалий ечимини таъминлаш.	I ярим йиллик давомида	А.Назаров, Р.Қаршиев, Д.Ходжихмедов, Б.Камалов, У.Султанов (у)

Т/р	<b>Устувор вазифалар, ўрганиладиган ва муҳокама қилинадиган масалалар ҳамда амалга ошириладиган тадбирлар</b>	<b>Муддати</b>	<b>Масъуллар</b>
18	Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Қонуни ва мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси доирасида кенг жамоатчиликни сув хўжалиги тизими амалга ошириладиган ислохотлар ва эришилаётган натижалар, уларнинг самаралари билан мунтазам равишда бохабар бўлиб боришини таъминлаш билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириш.	I ярим йиллик давомида	А.Назаров, Р.Қаршиев, Б.Камалов, Д.Ходжихмедов, Ш.Суюнов (у)
<b>II боб. 2023 йилнинг I ярим йиллигида вазирликнинг устувор вазифаларини амалга ошириш бўйича таклифлар тайёрлаш</b>			
19	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 декабрдаги “Тошкент вилоятида қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-435-сонли қарорининг <b>4.5-бандига мувофиқ</b> Оҳангарон тумани лалми деҳқончилик худудларида ер ости сувларидан фойдаланган ҳолда сув тежамкор Исроил технологияси асосида экспортбоп маҳсулот берувчи замонавий узум плантацияларини барпо қилиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига асосланган тақдирланган тақлиф киритиш.	Январь	Р.Қаршиев, Б.Холмуроджонов, Н.Худойбердиев (у)
20	2023 йилда сув тежовчи технологияларни жорий қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	Январь	Р.Қаршиев, Б.Холмуроджонов, Н.Худойбердиев (у)
21	2020-2022 йилларда амалга оширилган давлат-хусусий шериклик лойиҳаларнинг битим шартларига кўра, инвестиция мажбуриятларини бажармаган хусусий шерикларга қонунчиликда белгиланган тартибда тегишли чора кўриш юзасидан тақдирланган тақлифлар тайёрлаш.	Январь	А.Назаров, Б.Камалов, А.Тагаев (у)
22	Жиззах вилоятидаги сув иншоотини қуриш лойиҳасининг техник-иқтисодий асосига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни тасдиқлаш юзасидан Ҳукумат қарори лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	Январь	А.Назаров, Д.Ходжихмедов, М.Қурбонов (у)
23	Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчилар ва аҳоли томорқаларини сув ресурслари билан ишончли таъминлаш, сувнинг ҳисоби ва ҳисоботини инсон омилига минимал равишда боғлиқ бўлган автоматлаштирилган тизимлар орқали юритиш бўйича тақдирланган тақлифлар тайёрлаш.	10 январь	А.Назаров, Ж.Абдураззоқов (у)
24	Қишлоқ хўжалиги суғориладиган ерларида фаолият кўрсатаётган сув истеъмолчилари ва туман ирригация бўлимлари ўртасида сув етказиб бериш ва сув хўжалиги хизматларини кўрсатиш бўйича тўғридан-тўғри шартнома тузиш ишларини такомиллаштириш юзасидан тақдирланган тақлифлар тайёрлаш.	15 январь	А.Назаров, Ж.Абдураззоқов (у)



Т/р	Устувор вазифалар, ўрганиладиган ва муҳокама қилинадиган масалалар ҳамда амалга ошириладиган тадбирлар	Муддати	Масъуллар
25	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 октябрдаги “Сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4486-сонли қарорига мувофиқ сув хўжалиги тизимидаги насос станциялари электр энергияси истеъмоли учун фойдаланилмаган лимитдан тежаб қолинган маблағлар насос станциялари ва энергетика объектларини техник жиҳатдан ривожлантиришга, шунингдек, сув хўжалиги ходимларини рағбатлантиришга йўналтириш механизмини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш.	20 январь	Б.Камалов, С.Алимарданов, Ж.Аббосов, К.Аминов (у)
26	Ўзбекистон Республикасининг Сув кодекси лойиҳасини қайта кўриб чиқиш, такомиллаштириш ҳамда Вазирлар Маҳкамасига белгиланган тартибда киритилишини таъминлаш.	1 февралга қадар	А.Назаров, Ж.Абдуразақов, Р.Шаропов, З.Ишпулатов (у)
27	Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 декабрдаги “Сув хўжалиги ташкилотлари томонидан саноат ва энергетика ташкилотларига техник сув етказиб бериш бўйича кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 1008-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 6-бандига асосан етказиб бериладиган техник сувнинг тариф нархини ишлаб чиқиб, Иқтисодиёт ва молия вазирлигига келишиш учун таклиф киритиш.	1 февралга қадар	Б.Камалов, С.Алимарданов, Ж.Аббосов (у)
28	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги “Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотлари доирасида республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-447-сонли қарорининг <b>1-иловаси 6-бандига мувофиқ</b> ижро этувчи ҳокимият органлари функцияларини хатловдан ўтказиш ва уларнинг ягона реестрини шакллантириш ишларини яқунлаб, реестр юритиш тартибини назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини киритиш.	1 мартгача	А.Назаров, Х.Лапасов (у)
29	Самарқанд вилоятидаги “Булунғур” сув омбори қурилиши лойиҳасининг ўзгартиришлар киритилган техник-иқтисодий ҳисоб-китобини “Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУКнинг экспертизасидан ўтказиш ҳамда уни тасдиқлаш юзасидан Ҳукумат қарори лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	1 мартгача	А.Назаров, Д.Ходжихамедов, М.Курбонов (у)
30	Аҳоли ва ҳудудларни сел, тошқин ва кўчки ҳодисалари хавфи билан боғлиқ фавқулудда вазиятлардан муҳофаза қилиш, дарё, сой канал ва гидроузелларда баҳор-ёзги сув тошқинларини талофатсиз қабул қилиш ва ўтказиб юборишни таъминлаш билан боғлиқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига белгиланган тартибда киритилишини таъминлаш.	7 мартгача	А.Назаров, З.Ирисбоев, Ш.Батиров (у)
31	Ўзбекистон Республикасининг “Гидротехник иншоотларнинг хавфсизлиги тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси	27 мартгача	А.Назаров, Р.Шаропов,

Т/р	Устувор вазибалар, ўрганиладиган ва муҳокама қилинадиган масалалар ҳамда амалга ошириладиган тадбирлар	Муддати	Масъуллар
	муҳокамасига киритиш.		Р.Рахимов, З.Ирисбоев (у)
32	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 декабрь куни Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига қилган Мурожаатномасида берилган топшириқлардан келиб чиқиб, сув солиғи бўйича тушумларнинг бир қисми туманларда суғориш хизматларини ривожлантириш, арик, зовур ва каналларни бетонлашга йўналтириш мақсадида тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда тақлифлар тайёрлаш.	27 мартгача	А.Назаров, Р.Шаропов, О.Абдуллаев, Қ.Муратов, Ж.Абдураззақов (у)
33	Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида 2022 йил 31 март куни ўтказилган видеоселектор йиғилиши 25-сонли баёнининг <b>21.1-бандига мувофиқ</b> “Аму-Бухоро ирригация тизимини қайта тиклаш” лойиҳаси доирасида 100 миллион доллар маблағларни ўзлаштириш бўйича тақлифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	4 апрель	А.Назаров, Б.Камалов, Ш.Ражаметов (у)
34	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислохотлар агентлиги Кенгашининг 2022 йил 18 октябрь куни ўтказилган йиғилиш 2-сонли баёнининг <b>5.2-бандига мувофиқ</b> халқаро молия институтлари маблағларини жалб қилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси ва Қашқадарё вилоятида Австралиянинг “Рубикон” компанияси технологияси асосида сув ресурсларини бошқаришни автоматлаштириш лойиҳасини босқичма-босқич амалга ошириш, шунингдек, лойиҳа доирасида ўрнатиладиган қурилмаларни маҳаллийлаштириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига тақлифлар киритиш.	30 апрель	А.Назаров, Ж.Абдураззақов, Х.Разметов, З.Ишпулатов (у)
<b>III боб. Белгиланган устувор вазибаларига мувофиқ республика иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларида иқтисодий ислохотларнинг натижадорлигини таҳлил қилиш</b>			
35	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Ҳукумат ҳужжатлари ва топшириқлари ижросини таъминлаш бўйича Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти, Сув хўжалигида хорижий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш маркази ҳамда Ахборот-таҳлил ва ресурс маркази томонидан олиб борилаётган ишларни таҳлил қилиш.	Январь	А.Назаров, М.Ибрагимов, Б.Эшонқулов (у)
36	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришининг 2021-2023 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-5005-сон қарор ижросини таъминлаш юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда амалга оширилаётган илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишларини таҳлил қилиш.	Февраль	Р.Қаршиев, Б.Холмуроджонов, Н.Худойбердиев, А.Кулматов (у)
37	Давлат-хусусий шериклик лойиҳалари доирасида хусусий сектор бошқарувига берилган насос станциялари ва тик қудуқларга битим шартларига кўра киритилаётган инвестиция маблағлари	Март	А.Назаров, О.Абдуллаев,

Т/р	<b>Устувор вазифалар, ўрганиладиган ва муҳокама қилинадиган масалалар ҳамда амалга ошириладиган тадбирлар</b>	<b>Муддати</b>	<b>Масъуллар</b>
	ҳамда давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг самарадорлигини таҳлил қилиш.		М.Тагаев (у)
38	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Ҳукумат ҳужжатлари ва топшириқлари, шунингдек, вазирлик буйруқлари, ҳайъат қарорлари, йиғилиш баённомалари топшириқлари ижросини таъминлаш бўйича: Тошкент, Сирдарё, Жиззах вилоятлари ҳудудида жойлашган вазирлик тасарруфидаги республика ва тизим ташкилотларида олиб борилаётган ишларни таҳлил қилиш.	Март	А.Назаров, М.Ибрагимов, Б.Эшонқулов (у)
39	Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид давлат дастурига кўра Сув хўжалиги объектларида электр энергия истеъмолини камайтириш борасида олиб борилаётган ишларни таҳлил қилиш.	30 март	А.Назаров, О.Абдуллаев (у)
40	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасидаги вазифаларга кўра Амударё ўзанидан янги канал қурилиши бўйича қўшни Афғонистоннинг муваққат ҳамда жаҳон ҳамжамияти билан бирга халқаро меъёрлар асосида ва минтақанинг барча давлатлари манфаатларини инобатга олиш юзасидан амалий мулоқот олиб бориш ишларини мақсадли ўрганиш.	Март	А.Назаров, Ж.Абдураззоқов, Ш.Батиров, И.Эргашев, З.Ишпулатов (у)
41	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги “ <i>Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030-йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида</i> ”ги ПФ-6024-сонли Фармони ва ушбу ҳужжат билан тасдиқланган “Йўл харитаси”ни амалга ошириш натижасида асосий мақсадли кўрсаткичлар ва Индикаторларга эришилиши бўйича Самарқанд ва Жиззах вилоятларида амалга оширилаётган ишларни мақсадли ўрганиш.	30 апрель	А.Назаров, Ж.Абдураззоқов, Н.Мадибоев (у)
42	Вазирлик тасарруфидаги республика ва тизим ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари, фармойишлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларга ташрифига доир йиғилиш баёнлари, топшириқлари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқларининг ижроси юзасидан “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш” бўйича олиб борилаётган ишларни таҳлил қилиш.	Апрель	Р.Қаршиев, Б.Холмуроджонов, Н.Худойбердиев, А.Кулматов (у)
43	Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 декабрдаги “ <i>Сув хўжалиги ташкилотлари томонидан саноат ва энергетика ташкилотларига техник сув етказиб бериш бўйича кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида</i> ”ги 1008-сонли қарорининг ижроси юзасидан Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида амалга оширилган ишларни таҳлил қилиш.	Апрель	Б.Камалов, С.Алимарданов Ж.Аббосов, Ж.Жонкаев (у)

Т/р	<b>Устувор вазифалар, ўрганиладиган ва муҳокама қилинадиган масалалар ҳамда амалга ошириладиган тадбирлар</b>	<b>Муддати</b>	<b>Масъуллар</b>
44	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 апрелдаги 174-сонли қарорига асосан Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда сув ресурсларининг ҳисоб-китоби ҳамда улардан оқилона фойдаланилиши юзасидан Андижон, Наманган ва Сирдарё вилоятларида амалга оширилаётган ишларини таҳлил қилиш.	10 май	А.Назаров, Ж.Абдураззоқов, Н.Мадибоев (у)
45	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5843-сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4472-сонли қарори ижросини таҳлил қилиш.	Май	А.Назаров, Х.Лапасов (у)
46	Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 декабрдаги “Сув хўжалиги ташкилотлари томонидан саноат ва энергетика ташкилотларига техник сув етказиб бериш бўйича кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 1008-сонли қарорининг ижроси юзасидан Навоий ва Қашқадарё вилоятларида амалга оширилган ишларни таҳлил қилиш.	Май	Б.Камалов, С.Алимарданов Ж.Аббосов, Ж.Жонкаев (у)
47	Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид давлат дастурига кўра Сув соҳасидаги қонунчиликни тизимлаштириш орқали сув ресурсларини муҳофаза қилиш, улардан оқилона фойдаланишга оид муносабатларни тартибга солиш борасида олиб борилаётган ишларни таҳлил қилиш.	1 июнь	А.Назаров, Р.Шаропов, Ж.Абдураззоқов, (у)
48	Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид давлат дастурига кўра Марказий Осиёда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича халқаро конференция ўтказиш.	1 июнь	А.Назаров, Ш.Батиров, Ж.Абдураззоқов, (у)
49	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасидаги вазифаларга кўра Давлат-хусусий шериклик орқали қишлоқ, сув, ўрмон хўжаликлари соҳаларига йилига 1 миллиард долларгача сармоя олиб келиш ишларини таҳлил қилиш.	Июнь	Б.Камалов, А.Тагаев (у)
50	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 1 августдаги “Вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизмати тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 416-сонли қарори билан тасдиқланган низомнинг 3-боб 14-бандига асосан давлат харидларида қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини ҳамда харид комиссиялари фаолиятини таҳлил қилиш.	Июнь	А.Назаров, О.Ҳайитов, Л.Саимов, Ш.Кулимубетов (у)

Т/р	<b>Устувор вазифалар, ўрганиладиган ва муҳокама қилинадиган масалалар ҳамда амалга ошириладиган тадбирлар</b>	<b>Муддати</b>	<b>Масъуллар</b>
51	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 декабрдаги “ <i>Ер ости сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни тартибга солиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида</i> ”ги ПҚ-58-сон қарорида вазирликка белгилаб берилган устувор вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таҳлил қилиш.	Ҳар ой якуни билан	А.Назаров, Ж.Абдураззоқов (у)
52	Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид давлат дастурига кўра Ирригация ва мелиорация тадбирларини амалга ошириш ва сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш ҳисобига сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасида олиб борилаётган ишларни таҳлил қилиш.	Ҳар ой якуни билан	А.Назаров, Р.Қаршиев, Д.Ходжихмедов, М.Қурбонов, Б.Холмуроджонов, Ж.Абдураззоқов (у)
53	Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид давлат дастурига кўра Сувнинг ҳисобини очик-ошкора юритиш тизимини жорий этиш ва 1 800 та (келгуси уч йилда 13 000 та) сув хўжалиги объектларини рақамлаштириш борасида олиб борилаётган ишларни таҳлил қилиш.	Ҳар ой якуни билан	Б.Камалов, Ж.Абдураззоқов, Р.Рахимов, Қ.Муродов, О.Абдуллаев, Х.Разметов (у)
54	Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид давлат дастурига кўра Сув солиғи бўйича тушумларнинг бир қисмини туманларда суғориш хизматларини ривожлантириш, ариқ, зовур ва каналларни бетонлашга йўналтириш борасида олиб борилаётган ишларни таҳлил қилиш.	Ҳар ой якуни билан	А.Назаров, Д.Ходжихмедов, С.Алимарданов, Ж.Абдураззоқов (у)
55	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 декабрдаги “ <i>Қорақалпоғистон Республикасида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида</i> ”ги ПҚ-4912-сон қарорига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси насос стансиялари ҳамда ирригация ва мелиорация объектларини давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида хусусий сектор бошқарувига бериш прогноз кўрсаткичлари бўйича 2022 йилда Қорақалпоғистон Республикасида амалга оширилган лойиҳаларнинг натижадорлигини таҳлил қилиш.	Ҳар ой якуни билан	Б.Камалов, А.Тагаев (у)
56	2020-2022 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда давлат-хусусий шериклик шартлари асосида хусусий шерикларга берилган сув хўжалиги объектларидан фойдаланиш натижадорлиги (самарадорлиги) бўйича лойиҳаларни таҳлил қилиш.	Ҳар ой якуни билан	Б.Камалов, А.Тагаев (у)

Т/р	<b>Устувор вазифалар, ўрганиладиган ва муҳокама қилинадиган масалалар ҳамда амалга ошириладиган тадбирлар</b>	<b>Муддати</b>	<b>Масъуллар</b>
57	Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2022 йил 21-22 апрель кунлари Қашқадарё вилоятига ташрифи давомида ва Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида берган топшириқлари бўйича (35-сон билан рўйхатга олинган) йиғилиш баёни ижросини таҳлил қилиш.	Ҳар ой якуни билан	А.Назаров, Р.Рахимов (у)
58	Ўзбекистон Республикасининг “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига асосан Сув хўжалиги вазирлиги ва тизимидаги барча бюджет ташкилотларига 2023 йил учун ажратилиши кўзда тутилган маблағларнинг ўз вақтида сарфланишини таҳлил қилиш.	Ҳар ой якуни билан	Б.Камалов, С.Алимарданов, К.Аминов, С.Илхомов (у)
59	Йирик электр энергияси истеъмол қилувчи ташкилотларнинг истеъмол қилинган электр энергияси харажатлари учун тўловларини доимий мониторинг ўрнатиш ҳамда унинг ҳаққонийлигини тузилган солиштирма далолатномалар асосида таҳлил қилиш.	Ҳар ой якуни билан	Б.Камалов, С.Алимарданов, Ж.Аббосов, К.Аминов (у)
60	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 26 мартдаги “Айдар-Арнасой қўллар тизими бошқарувини ташкил этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 136-сонли қарори ижросини таҳлил қилиш.	Ҳар ой якуни билан	А.Назаров, Р.Рахимов (у)
61	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 майдаги “Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий туманларида тадбиркорликни ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-264-сонли қарорнинг 1-илоvasи 1-бандига асосан Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий туманларида 37 минг гектар ерларни фойдаланишга киритиш бўйича амалга ошириладиган ишларни таҳлил қилиш.	Ҳар ой якуни билан	Д.Ходжихмедов, Қ.Муратов, С.Алимов, Л.Мамадияров (у)
62	Сув хўжалиги ташкилотларига лизинг асосида берилган техникаларнинг мақсадли ва самарали ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш, лизинг тўловлари ва уларга кўрсатилган сервис хизматлари бўйича вужудга келган қарздорликларни бартараф этиш борасида олиб бориладиган ишларни таҳлил қилиш.	Ҳар ой якуни билан	Д.Ходжихмедов, Қ.Муратов, С.Алимов (у)
63	Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2022-2023 йил куз-қиш мавсумида кластерлар томонидан коллектор-дренаж тармоқларини тозалаш тадбирларини ташкиллаштириш ва ҳудудлар кесимида таҳлил қилиш.	Ҳар ой якуни билан	Д.Ходжихмедов, Қ.Муратов (у)
64	Сувнинг ҳисобини очиқ-ошқора юритиш тизими жорий этиш ва келгуси уч йилда 13 мингта сув хўжалиги объектларини рақамлаштириш. Бунда: 10 937 та сув хўжалиги иншоотларида реал вақт режимида сувни назорат қилиш ва унинг ҳисобини юритиш учун “Smart Water” (“Ақлли сув”) тизимини жорий этиш;	Ҳар ой якуни билан	А.Назаров, Д.Ходжихмедов, Ж.Абдуразақов, Қ.Муратов,

Т/р	<b>Устувор вазибалар, ўрганиладиган ва муҳокама қилинадиган масалалар ҳамда амалга ошириладиган тадбирлар</b>	<b>Муддати</b>	<b>Масъуллар</b>
	2100 та мелиоратив кузатув қудуқларини автоматлаштирилган мониторинг тизимига ўтказиш; 20 та йирик сув хўжалиги объектларининг бошқарув жараёнларини автоматлаштириш бўйича олиб борилаётган ишларни таҳлил қилиш.		З.Ишпулатов, Х.Разметов (у)
<b>IV боб. 2023 йилнинг I ярим йиллигида Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва Ҳукумат қарорларининг бажарилишини мақсадли ўрганиш</b>			
65	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Ҳукумат ҳужжатлари ва топшириқлари, шунингдек, вазирлик буйруқлари, ҳайъат қарорлари, йиғилиш баённомалари топшириқлари ижросини таъминлаш бўйича Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти, Сув хўжалигида хорижий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш маркази ҳамда Ахборот-таҳлил ва ресурс маркази томонидан олиб борилаётган ишларни мақсадли ўрганиш.	Январь	А.Назаров, М.Ибрагимов, Ч.Хасанов, Б.Эшонқулов (у)
66	Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июндаги “Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташиқлотлари ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4366-сонли қарори ижросини таъминлаш борасида Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалигида амалга ошириладиган ишларни мақсадли ўрганиш.	Январь	А.Назаров, Ш.Суюнов (у)
67	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024-сон Фармони ҳамда 2021 йил 24 февралдаги ПҚ-5005-сон қарорида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида, 2021 йилда Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида давлат-хусусий шериклик шартлари асосида амалга оширилган лойиҳалар бўйича хусусий шериклар томонидан битимда кўрсатилган инвестиция киритиш мажбуриятларини ўрганиш.	Январь	Б.Камалов, А.Тагаев (у)
68	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024-сон Фармони ҳамда 2021 йил 24 февралдаги ПҚ-5005-сон қарорида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида, 2022 йилда давлат-хусусий шериклик шартлари асосида амалга оширилган лойиҳалар бўйича хусусий шериклар томонидан инвестиция киритилишини Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро, Навоий ва Самарқанд вилоятларида мақсадли ўрганиш.	Февраль, Март, Апрель, Май, Июнь	Б.Камалов, А.Тагаев, Э.Абдуразоқов (у)
69	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 7 апрелдаги ПҚ-2332-сонли қарори асосида Исломот таракқиёт банки иштирокидаги “Сурхондарё вилоятида сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш (Ҳазарбоғ-Оққапчиғой ирригация тизимларини қайта тиклаш)” лойиҳаси доирасида олиб бориладиган ишларни мақсадли ўрганиш.	Март	Б.Камалов, Б.Абзалов (у)
70	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги “Қуйи бўғинда сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш ҳамда сув истеъмолчилари орасидаги муносабатларни	20 апрель	А.Назаров, Ж.Абдуразоқов,

Т/р	<b>Устувор вазифалар, ўрганиладиган ва муҳокама қилинадиган масалалар ҳамда амалга ошириладиган тадбирлар</b>	<b>Муддати</b>	<b>Масъуллар</b>
	<i>тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида</i> ”ги ПҚ-145-сонли қарори билан вазирликка юклатилган вазифаларни Навоий, Бухоро ва Самарқанд вилоятларида бажарилишини мақсадли ўрганиш.		Д.Жамолитдинов (у)
71	“Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшмчалар киритиш ҳақида” 2021 йил 30 ноябрдаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан вазирликка юклатилган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан Тошкент, Қашқадарё ва Бухоро вилоятида амалга оширилаётган ишларни ўрганиш ва таҳлил қилиш.	1 май	А.Назаров, Ж.Абдураззоқов, Б.Расулов (у)
72	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5843-сонли Фармони ва 2019 йил 3 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги фаолиятини таъкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4472-сонли қарорида белгилаб берилган вазифаларнинг сўзсиз бажарилишини ҳамда “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексига ходимлар маълумотларини расмийлаштириш ишларини ўрганиш, вазирлик тизимида фаолият олиб бораётган ёш мутахассислар фаолиятини ҳамда уларга яратилган шароитлар билан танишиш ишларини Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм ва Тошкент вилоятларида мақсадли ўрганиш.	Май	А.Назаров, Х.Лапасов (у)
73	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги ПФ-5843-сон Фармони ҳамда ПҚ-4472-сон қарорида белгилаб берилган вазифаларнинг сўзсиз бажарилишини ва “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексига ходимлар маълумотларини расмийлаштириш ишларини ўрганиш, вазирлик тизимида фаолият олиб бораётган ёш мутахассислар фаолиятини ҳамда уларга яратилган шароитлар билан танишиш ишларини Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм ва Тошкент вилоятларида мақсадли ўрганиш.	Май	А.Назаров, Х.Лапасов, Д.Аликулова, Ж.Холмаматов (у)
74	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги ПФ-5843-сон Фармони ҳамда ПҚ-4472-сон қарорида белгилаб берилган вазифаларнинг сўзсиз бажарилишини ва “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексига ходимлар маълумотларини расмийлаштириш ишларини ўрганиш, вазирлик тизимида фаолият олиб бораётган ёш мутахассислар фаолияти ҳамда уларга яратилган шароитлар билан танишиш ишларини Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилоятларида мақсадли ўрганиш.	Июнь	А.Назаров, Х.Лапасов, Д.Аликулова, Ж.Холмаматов (у)
75	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5843-сонли Фармони ҳамда 2019 йил 3 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги фаолиятини	Июнь	А.Назаров, Х.Лапасов (у)



Т/р	<b>Устувор вазифалар, ўрганиладиган ва муҳокама қилинадиган масалалар ҳамда амалга ошириладиган тадбирлар</b>	<b>Муддати</b>	<b>Масъуллар</b>
	ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4472-сонли қарорида белгилаб берилган вазифаларнинг сўзсиз бажарилишини ҳамда “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексига ходимлар маълумотларини расмийлаштириш ишларини ўрганиш, вазирлик тизимида фаолият олиб бораётган ёш мутахассислар фаолияти ҳамда уларга яратилган шароитлар билан танишиш ишларини Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилоятларида мақсадли ўрганиш.		
76	Норин-Қорадарё, Сирдарё-Сўх ва Норин-Сирдарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ҳузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2021-2023 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-5005-сонли қарорининг 4 ва 5-иловалари ижросини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишларни мақсадли ўрганиш.	Июнь	А.Назаров, О.Абдуллаев, М.Тагаев (у)
77	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 мартдаги ПҚ-2324-сонли қарори асосида Жаҳон банки иштирокидаги “Жанубий Қорақалпоғистонда сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш” лойиҳаси доирасида олиб борилаётган ишларни мақсадли ўрганиш.	Июнь	Б.Камалов, Ш.Ражаметов, А.Сержанов (у)
<b>V боб. 2023 йилнинг I ярим йиллигида ўтказиладиган вазирлик ҳайъатининг мажлисларида муҳокама қилинадиган масалалар</b>			
78	2022 йил давомида вазирлик тизимида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш якунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида вазирликка юклатилган вазифалар ижросини сўзсиз таъминлаш юзасидан раҳбар-ходимларнинг шахсий масъулияти ва жавобгарлигини кучайтириш билан боғлиқ чора-тадбирлар тўғрисида.  Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 31 майдаги “ <i>Ijro.gov.uz</i> ” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5132-сонли қарори ижросини таъминлаш, вазирлик марказий аппаратида ҳамда вазирлик тасарруфидаги республика ва тизим ташкилотларида 2022 йилнинг IV чораги давомида ижро интизомига риоя этилишини таъминлаш ҳамда жисмоний ва	Январь	А.Назаров, Р.Қаршиев, Б.Камалов, Д.Ходжихмедов, вазирлик марказий аппаратининг тегишли бошқарма бошлиқлари, М.Ибрагимов (у)  А.Назаров, Р.Қаршиев, Б.Камалов, Д.Ходжихмедов, М.Ибрагимов

Т/р	Устувор вазифалар, ўрганиладиган ва муҳокама қилинадиган масалалар ҳамда амалга ошириладиган тадбирлар	Муддати	Масъуллар
	юримдик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш борасида олиб борилган ишлар ва навбатдаги вазифалар ҳақида.		(у)
79	<p>Вазирлик тизимида 2023 йилнинг I чораги давомида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш яқунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва Ҳукумат қарорлари билан жорий йилга белгиланган прогноз кўрсаткичлар ва топшириқларнинг ижросини сўзсиз таъминлаш билан боғлиқ чора-тадбирлар тўғрисида.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги “<i>Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотлари доирасида республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида</i>”ги ПҚ-447-сонли қарорининг ижросини таъминлаш борасида амалга ошириладиган ишлар ва навбатдаги долзарб вазифалар ҳақида.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида вазирликка юклатилган вазифаларга мувофиқ сувнинг ҳисобини очиқ-ошкора юритиш тизими жорий этиш, келгуси уч йилда 13 мингта сув хўжалиги объектларини рақамлаштириш ҳамда 16 та йирик насос станциясини давлат-хусусий шерикчилик асосида модернизация қилиш ва муқобил энергияга ўтказилишини таъминлаш борасида олиб бориладиган ишлар ва навбатдаги долзарб вазифалар ҳақида.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 31 майдаги “<i>Ijro.gov.uz</i>” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5132-сонли қарори ижросини таъминлаш, вазирлик марказий аппаратида ҳамда вазирлик тасарруфидаги республика ва тизим ташкилотларида 2023 йилнинг I чораги давомида ижро интизомига риоя этилишини таъминлаш ҳамда жисмоний ва юримдик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш борасида олиб борилган ишлар ва навбатдаги вазифалар тўғрисида.</p>	Апрель	<p>А.Назаров, Р.Қаршиев, Б.Камалов, Д.Ходжихмедов, вазирлик марказий аппаратининг тегишли бошқарма бошлиқлари, М.Ибрагимов (у)</p> <p>А.Назаров, Р.Қаршиев, Б.Камалов, Д.Ходжихмедов, Х.Лапасов (у)</p> <p>А.Назаров, Б.Камалов, Х.Разметов (у) А.Тагаев (у)</p> <p>А.Назаров, Р.Қаршиев, Б.Камалов, Д.Ходжихмедов, М.Ибрагимов (у)</p>

Т/р	Устувор вазифалар, ўрганиладиган ва муҳокама қилинадиган масалалар ҳамда амалга ошириладиган тадбирлар	Муддати	Масъуллар
<b>VI боб. 2023 йилнинг I ярим йиллигида вазирликнинг тармоқ илмий-кенгашида кўриб чиқиладиган ва муҳокама қилинадиган масалалар</b>			
